



МАЪМУРИЙ ҚАМОҚҚА ОЛИШ ТУШУНЧАСИ, МОҲИЯТИ ВА ЖАЗО ТИЗИМИДА ТУТГАН ЎРНИ

Дж.Х. Юлдашев

ИИВ Академияси кафедра бошлиғи, ю.ф.д., профессор;

Б.Б. Адилов

ИИВ Академияси мустақил изланувчиси

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.10147305>

ARTICLE INFO

Received: 09th November 2023

Accepted: 16th November 2023

Online: 17th November 2023

KEY WORDS

ABSTRACT

Маъмурий ҳуқуқбузарлик факти учун қўлланиладиган маъмурий жазо давлат томонидан ўрнатилган, шахсни жавобгарликка тортиш чораси бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 22-моддасида белгиланишича, унинг асосий мақсади **превентив (олдини олувчи)** таъсир кўрсатиш ҳисобланади. Яъни, ҳуқуқбузарлик содир этган шахснинг ўзига у томонидан такроран ҳуқуқбузарлик содир этилишининг (*хусусий превенция*), бошқа шахсларга эса, ҳуқуқбузарлик содир этилишининг (*умумий превенция*) олдини олиш мақсадида қўлланилади.

Юридик адабиётларда келтирилишича, маъмурий жазо маъмурий (давлат) мажбурлов(и)нинг бир кўриниши бўлиб, бошқа мажбурлов чораларидан ўзига хос мақсадли санкцияга эгаллиги билан фарқланади ҳамда фақатгина Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс билан белгилаб қўйилади¹. Маъмурий жазо ҳуқуқбузарлик содир этишда айбдор шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликларини чеклаш ёки улардан маҳрум этишдан иборат бўлган жавобгарлик чораси ҳисобланади². Шунга кўра, мазкур ҳуқуқлар ва эркинликлардан маҳрум этилиш ёки уларнинг чекланиш даражаси жазонинг оғирлик даражасига бевосита боғлиқ ҳисобланади.

Амалиёт натижаларининг кўрсатишича, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга қўлланиладиган, нисбатан самаралироқ ва оғирроқ бўлган жазо тури бу – маъмурий қамоққа олишдир. Мазкур жазо тури ўзининг хавфлилик (зарарлилик) даражасига кўра жиноий қилмишларга яқин бўлган айрим маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун қўлланилади. Бундай ҳуқуқбузарликларнинг доираси қонунчиликда аниқ белгилаб қўйилган бўлади. Шу билан бирга, ушбу жазонинг қўлланилиши судланганликни юзага келтирмайди ҳамда шахсни ишдан бўшатиш учун асос бўлмайди³.

¹ Ножиев Е.Т. Маъмурий ҳуқуқ: Kasb-hunar kollejlari uchun darslik (4-nashri). – Т., 2012. – “Ilm-ziyo”. – В. 234.

² Максимов И.В. Административные наказания. М., Норма. – 2009. – С. 175.

³ Дугенец А.С. Административный арест // Российский следователь. – 2004. – № 2. – С. 25.



Сўнги вақтларда айрим “хуқуқ фаоллари” томонидан маъмурий қамоққа олиш жазосини қўллаш шахс хуқуқларини жиддий чеклайди ва бу турдаги жазони бекор қилиш зарурати мавжуд, деган қарашлар кенг янграмоқда. Хусусан, уларнинг фикрича, ушбу жазо тури инсон руҳиятига жиддий таъсир кўрсатади ҳамда 1950 йилдаги “Инсоннинг асосий хуқуқ ва эркинликлари тўғрисида”ги Европа Конвенцияси талабларига мувофиқ эмас. Шунингдек, XX асрнинг иккинчи ярмида айрим рус олимлари ҳам ушбу таъсир чорасини бекор қилишни тарғиб этиб, ўз қарашларини мазкур жазонинг тарбиявий ўрнининг аҳамиятсизлиги билан асослашга ҳаракат қилган⁴. Масалан, профессор И.А. Галаганнинг фикрича, *“бази ичкиликбозлар қамоқда сақланишни орзу қиладилар, чунки давлат уларни 15 сутка давомида боқиш мажбуриятини ўз зиммасига олади”*⁵.

Бироқ фикримизча, бундай ёндашувларга тўлиқ қўшилиб бўлмайди. Сабаби, *биринчидан*, ғарб давлатларининг аксарияти англо-саксон хуқуқ тизимига мансуб бўлиб, уларда хуқуқбузарликлар маъмурий хуқуқбузарлик ва жиноят каби тоифаланмаган. Натижада, ягона жазо тизими доирасида шахсни озодликдан маҳрум қилиш таъсир чораси қўлланилаверади; *иккинчидан*, маъмурий қамоққа олиш жуда таъсирли жазо чораси бўлиб, унинг ижроси доирасида шахс мажбурий меҳнатга жалб этилиш асосида ўзининг сақлаш харажатларини қоплашга жалб этилиши мумкин; *учинчидан*, ижтимоий хавфи нуқтаи назаридан жиноятга яқин бўлган маъмурий хуқуқбузарликлар учун энг таъсирли чора ҳисобланади. Шу сабабли, аксарият МДХ давлатлари хуқуқ тизимида ушбу мажбурлов чорасининг мавжудлигини ҳамда амалиётда кенг қўлланилаётганини кўриш мумкин. Юқоридагиларга асосан фикримизча, миллий тизимимизда мавжуд бўлган ушбу жазо турини қўллаш-қўлламаслик масаласини шубҳа остида қолдириш ўринсиз.

Юридик манбалар таҳлили “қамоқ” тушунчаси турли маъноларда қўлланилишини кўрсатади. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида келтирилишича, **қамоқ** – озодликдан маҳрум этилган кишилар, маҳбуслар сақланадиган жой (қамоқхона, турма) деган маъноларни англатади. Шу билан бирга, қамоқ ҳукмини (жазосини) ўташ жараёни маъносида қўлланилган⁶.

Кўриниб турибдики, луғатда қамоқ тушунчасига жиноят-хуқуқий жиҳатдан ёндашилган. Унинг шахсни жамиятдан вақтинча ажратишга оид маъмурий функциялари эътиборга олинмаган. “Қамоққа олиш” фелининг моҳияти хусусида эса, сўз юритилмаган. Шу асосда унинг қўлланилиши ва ижросини таъминлаш самарадорлиги устида бош қотириш муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун эса, аввало унинг моҳияти ва ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш талаб этилади.

XIX асрга доир юридик адабиётлар таҳлилининг кўрсатишича, полиция томонидан қамоққа олиш (полицейский арест) турли мазмун касб этган. Профессор А.Трифонованинг фикрича, полициянинг маъмурий мажбурлов чоралари икки турга

⁴ Долгих И.П., Супонина Е.А. Административный арест и права человека // Наука и современность. – 2014. – С. 169.

⁵ Галаган И.А. Ученые записки: Проблемы совершенствования законодательства об административной ответственности // Ученые записки ВНИИСЗ. – М., 1965. – Вып. 5. – С. 39.

⁶ Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80 000дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси / А.Мадвалиев таҳрири остида (2006–2008). – Т., “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” нашриёти. – Б. 234.



бўлинади: ҳаракат содир этишга ёки уни тўхтатишга мажбурлаш⁷. Профессор И.Тарасов қамоқнинг **уч тури** мавжудлигини таъкидлайди: 1) маъмурий юстиция мақсадида қўлланиладиган суд қамоғи; 2) огоҳлантирувчи (превентив) ёки суд-полиция қамоғи (жиноятчиликка қарши кураш ёки хавфсизлик йўлида қўлланилади); 3) жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш хавфи ёки имкониятини бартараф этишга қаратилган полиция қамоғи⁸.

Бу ўринда шахснинг ҳуқуқбузарлик содир этиш фактини вақтинчалик чеклаш мақсадида қўлланиладиган вақтинчалик ушлаб туриш ҳаракатлари ҳам назарда тутилганлигини англаш қийин эмас.

Бошқа жазо турлари қатори маъмурий қамоқ ҳам шахс ҳуқуқларини чеклашни назарда тутаяди. Илмий таҳлиллар натижалари ушбу ҳуқуқий чеклаш чораси ўзининг сон ва сифат белгилари (хусусиятлари)га эга эканлигини кўрсатади. **Сон белгисига** кўра маъмурий қамоқда сақлаш муддати ҳуқуқбузарга нисбатан жазо чораси таъсирининг интенсивлиги омили сифатида, **сифат белгисига** эса, шахснинг жисмоний эркинлиги (озодлиги)ни мажбурий вақтинча чеклашда намоён бўлади. Шу билан бирга, ҳуқуқбузарнинг ўзи жамиятдан ажратилиб ушлаб турилиши ҳамда мажбурий меҳнатга жалб этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 285-моддасига мувофиқ маъмурий ҳуқуқбузарликни тўхтатиш, ҳуқуқбузарнинг шахсини аниқлаш, башарти баённома тузиш зарур бўлиб, уни ҳуқуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида тузиш имкони бўлмаган тақдирда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш, ишларнинг ўз вақтида ва тўғри кўриб чиқилишини таъминлаш ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар юзасидан чиқарилган қарорларни ижро этиш мақсадида мазкур шахсни маъмурий йўл билан ушлаб туришга, шахсан кўриқдан ўтказишга, унинг ашёлари, транспорт воситаларини кўздан кечиришга ва ашё ҳамда ҳужжатларни олиб қўйишга йўл қўйилади. Мазкур чеклаш чоралари маъмурий қамоққа олиш тарзидаги жазо қўлланилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликни содир этган шахсларга нисбатан қўлланилади.

Юқорида келтирилган қонун нормалари таҳлилидан маълумки, маъмурий қамоққа олиш оғир турдаги жазо чораси бўлганлиги сабабли ушбу жазо қўлланилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликни содир этган шахсларга нисбатан ўзига хос (оғир) маъмурий чеклаш чоралари қўлланилади.

И.П. Долгих ва Е.А. Супонинанинг фикрича, маъмурий қамоқнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагиларда намоён бўлади:

- 1) мазкур жазо тури аҳолининг алоҳида (ночор) қатламлари (тиланчилар, уйсизлар, ишсизлар) учун қўлланиладиган ягона жазо тури бўлиб хизмат қилади. Жазо муқаррарлиги заруратини ҳисобга олса, бу айниқса долзарб аҳамият касб этади;
- 2) маъмурий қамоқ фақатгина суд органлари томонидан тайинланади. Бу эса, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритувчи бошқа органлар томонидан мансаб ваколатини суиътемомол қилиш ёки манипуляция (чайқовчилик) қилиш

⁷ Трифонов А.О мерах полицейского принуждения по прусскому и нашему праву. – СПб., 1886. – С. 84.

⁸ Тарасов И. Полицейский арест в России // Журнал гражданского и уголовного права. – 1885. – № 7. – С. 98.



- имконини истисно этади. Сабаби, судья идоравий ва бошқа таъсирлардан мустақил бўлиб, жазо қўллашни одиллик ва холислик асосида ҳал қилиш имкониятига эга;
- 3) ушбу жазо тури фақатгина федерал қонун билан (бошқа турдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан эмас) ўрнатилиши мумкин;
 - 4) фақатгина асосий жазо тури сифатида қўлланилиши мумкин. Бу билан, қонун чиқарувчи мазкур жазо турининг жиддий ҳамда ўзини ўзи таъминлашига имкон яратган;
 - 5) қонун чиқарувчи мазкур жазони қўллаш мумкин бўлмаган шахслар доирасини аниқ белгилаб берган;
 - 6) алоҳида ҳолларда (оғир касаллик, яқин қариндошининг оғир аҳволдалиги ёки вафоти ва ҳ.к.) суд мазкур жазо турини тўхтатиб туриши ёки бекор қилиши мумкин⁹.

Юқорида келтирилган жиҳатлар албатта маъмурий қамоққа олишнинг ўзига хос хусусиятларини муайян даражада очиб беришга хизмат қилади ҳамда уларни маъқуллаш мумкин. Шу билан бирга, мазкур жазо тури аҳолининг алоҳида (ночор) қатламлари (тиланчилар, уйсизлар, ишсизлар) учун қўлланиладиган ягона жазо тури эканлиги билан боғлиқ қарашни назаримизда тўлиқ қўллаб-қувватлаб бўлмайди. Сабаби, бугунги кунда маъмурий қамоққа олишга муқобил жазо чоралари, хусусан ҳақ тўланадиган жамоат ишларига мажбурий равишда жалб этиш кенг қўлланила бошлаганлигини қайд этиш лозим.

Г.В. Огринанинг фикрича, *маъмурий қамоққа олиш* – алоҳида турдаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун 15 суткагача (айрим турдаги ҳуқуқбузарликлар учун 30 суткагача) тайинланадиган ва ҳуқуқбузарни жамиятдан ажратилган шароитда шақлашдан иборат жазо тури бўлиб, уни икки маънода тушуниш мумкин. *Тор маънода* маъмурий қамоқ айбдорнинг эркин ҳаракатланиш ҳуқуқини чеклашни англатса, *кенг маънода* уни жамиятдан ажратишни назарда тутлади. Шу боис, мазкур жазо тури уни қўлловчилар томонидан алоҳида эътиборни талаб этади¹⁰.

М.М. Молешук ва А.В. Плехановаларнинг фикрига кўра эса, ушбу жазо турини қўллашнинг шартлари қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

- 1) ваколатли субъектлар (мансабдор шахслар)нинг ҳуқуққа хилоф ҳаракатни тўхтатиш бўйича берган кўрсатмалари ва талабларига қарамасдан бундай қилмишларни давом эттирганлик;
- 2) йил давомида ҳуқуқбузарликни такроран содир этганлик;
- 3) вояга етмаган шахсни ҳуқуқбузарлик содир этишга жалб этганлик;
- 4) ҳуқуқбузарлик фактининг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилганлиги;
- 5) ҳуқуқбузарликнинг табиий офатлар ёки бошқа фавқулодда ҳолатлар шароитида содир этилганлиги;
- 6) ҳуқуқбузарликнинг маст ҳолатда содир этилганлиги¹¹.

⁹ Долгих И.П., Супонина Е.А. Административный арест и права человека // Наука и современность. – 2014. – С. 170–171.

¹⁰ Огрин Г.В. Административный арест как вид административного наказания: понятие и требования законодательства для применения // Актуальные проблемы права на современном этапе развития Российской государственности: Сборник статей Международной научно-практической конференции (23 ноября 2017 г.). – Омск. - Уфа: ОМЕГА САЙНС, 2017. – С. 148.

¹¹ Полещук М.М., Плеханова А.В. Административный арест как один из видов административного наказания // Студенческая доктрина: Сборник научных статей. Ответственный редактор И.Ю. Ташбекова. – 2014. – С. 134.



Келтирилган хусусиятлар таҳлили маъмурий қамоққа олиш жазосининг маъмурий жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда қўлланилиши мақсадга мувофиқлигини изоҳлайди. Бу борада З.Я. Бабакаланов Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда майда безорилик (183-м.) ҳуқуқбузарлиги бўйича ички ишлар органлари ходимлари томонидан ҳар йили ўртача 50 мингдан зиёд маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар юритилиши, ушбу модда диспозициясида қандай ҳолатлар учун жарима ёки қандай ҳолатлар учун маъмурий қамоқ жазоси қўлланилиши мумкинлиги аниқ белгиланмаганлиги, шунингдек бу турдаги ишларни қайси ҳолатда суд ва қай ҳолларда ички ишлар органлари бошлиқлари кўриб чиқиши назарда тутилмаганлиги турли муаммоларга сабаб бўлаётганини таъкидлайди. Унинг фикрича, ушбу модда икки қисмга ажратилиб, биринчи қисмида жарима белгиланиши ва уни кўриб чиқиш ваколати фақат ички ишлар органларига берилиши, иккинчи қисмига худди шундай ҳуқуқбузарлик такрорий ҳамда жамоат тартибини ва фуқаролар осойишталигини бузувчи ҳаракатларда ифодаланган жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасдан менсимаслик билан содир этилганда маъмурий қамоққа олиш жазоси назарда тутилиши лозим. Модданинг иккинчи қисмини кўриб чиқиш ваколати фақат судларга тааллуқли бўлиши керак¹².

Кўриниб турибдики, юқоридаги мулоҳазаларда ҳам маъмурий қамоққа олиш жазосини қўллаш шартлари хусусида фикр юритилган. Бу ўринда қайд этиш лозимки, қонун чиқарувчи айрим ҳолларда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг махсус қисм нормалари санкцияларида икки турдаги жазо чорасини назарда тутган ҳолда уларни қўллаш мумкин бўлган чегарани аниқлаштириб бермаган. Бу эса, ҳуқуқни қўлловчи субъектлар ваколатининг суиътемом қилиниши учун шароит яратиши билан бирга, муаммоли масалаларнинг вужудга келишига сабаб бўлади.

¹² Бабакаланов З.Я. Мамлакатимиздаги демократик ислохотлар жараёнида маъмурий жавобгарлик қонунчилиги тизимини такомиллаштириш масалалари // Маъмурий қонунчиликни такомиллаштириш – судҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг муҳим йўналиши: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари (2012 йил 29 ноябрь). – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. – Б. 106.